Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 20-dekabr, juma

№ 51 (24971)

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ БАРПО ЭТИЛДИ

Шерзод ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон тумани ҳокими

Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида энергетика соҳасида янги қувватларни ишга тушириш ва навбатдаги лойиҳалар қурилишига старт беришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбари рамзий дастакни босиб, Ўзбекистон бўйича қиймати 3,7 миллиард долларлик 18 та мажмуанинг фаолияти ва 6 та лойиҳанинг қурилишини бошлаб берди. Бу қувончли воқеалар мустақил мамлакатимиз энергетика соҳаси тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади, албатта. Хусусан, Ўзбекистонда илк бор Андижон ва Фарғонада 300 мегаваттли йирик энергия сақлаш тизими барпо этилди.

"САЙҚАЛ"НИ САЙҚАЛЛАЁТГАН ТАДБИРКОР

Ҳаётнинг ўзи мактаб. Унинг сўқмоқларидан қоқилиб, адашиб, баъзида бошни берк кўчаларга кириб қоласан, аммо интилган, ҳаракат қилган, янгиликни маёқ деб билганлар барибир манзилга етади.

Фарғоналик тадбиркор Абдураҳмон Ниёзов ана шундай мураккаб ҳаёт йўлидан ўтган инсонларнинг бири. Дастлаб "Сайқал" хусусий корхонасини очиб, ногиронлар аравачаси ишлаб чиқаришга киришди. Аҳоли ўртасида унга талаб бор эди. Аммо Ўзбекистондек мамлакатга шундай аравачалар чет элдан келтириларди.

Тадбиркор мавжуд аравачаларга нисбатан қулайроқ лойиҳа яратди. Сўнгра чоғгина цех очиб, уни ўзи ишлаб чиқарди. Аста-секин таянч ва ҳаракат аравачаларининг ҳатто хорижда йўқ ёки камёб нусхаларини ихтиро қилди. Бугунга келиб "Сайқал" кунига 100-120 тадан 30 турга яқин арзон маҳсулот ишлаб чиқармоқда ва бу ижтимоий ҳимоя тизимига катта қўлловдир.

Абдураҳмон ака замон талабига асосан йилдан-йилга инновацион ғояларни амалда қўллаяпти. Унинг сўзларига кўра, ҳозирда қурилиши давом этаётган муҳташам бинода 2025 йилдан электр узатмали, яъни аккумулятор қуввати билан ҳаракатланадиган ногиронлик аравачалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Видеони томоша қилиш учун смартфонингизни **QR коди**га йўналтиринг

Давоми 2-бетда.

Президентимиз жорий йилнинг июнь ойида вилоятимизга ташрифи чоғида туманимизда Хитой билан ҳамкорликда йирик электр энергиясини сақлаш иншооти қурилишига старт берган эдилар. Қисқа муддатда бунёд этилган ушбу энергетика лойиҳаси ишга тушди.

Бу – Хитой давлати билан 144 миллион АҚШ доллариллик лойиҳа электр энергиясини сақлаш баробарида, ўзидан 150 мегаватт электр энергия чиқаради. Тадбиркорликка ихтисослашган туманимиз учун ушбу ташаббус ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга кенг йўл очади. Лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш ортидан нафақат туманимиз, балки қўшни ҳудудлар аҳолисининг электр энергиясига бўлган талаби қондирилади.

Очиғини айтиш керак, мамлакатимиз энергетика соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларидан аҳоли ва тадбиркорлар мамнун бўлмоқда. Шу вақтга қадар бизда электр энергиясини сақлаш деган тушунча бўлмаган. Ушбу манбани нафақат сақлаш, балки уни вақтида етказиб беришда ҳам муаммолар бўлган. Лекин бу шундай лойиҳаки, у Ўзбекистонда ҳозирча биринчилардан. Бу водийга асосан режалаштирилган электр энергиясини худди омбордек сақлаб туради. Электрга талаб юқори бўлган пайтда истеъмолчиларга етказиб берадиган инновацион лойиҳа ҳисобланди.

Лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда электр энергиясини сақлаш иншоотини қуриш, иккинчи босқичда 200 мегаваттли қуёш электр станциясини барпо этиш кўзда тутилган. Якунда 500-600 иш ўрни яратилади.

Мазкур иншоотнинг ҳудуддаги йирик станцияга уланаётгани бир қанча туманларни электр билан барқарор таъминлаш қувватини беради.

Дарҳақиқат, электр энергиясини сақлаш иншоотининг ишга туширилиши, аввало, катта янгилик бўлди. Қолаверса, аҳоли ва истеъмолчиларга энг тиғиз пайтда электр энергиясини етказиб беришда навбатдаги муҳим қадамлардан саналади.

Абу Али ибн Сино заъфарон ўсимлигини 100 дан ортиқ касалликларни даволашда фойдаланишини қайд этган.

Заъфарон мўъжизалари

Иссиқлиги мўътадил бўлганлиги учун заъфарон ичиш томирдаги ҳар хил тиқилмалар ёки тромбларни даволашда фойдали. Ички аъзоларни кучайтиради, тана териси рангини чиройли, кўзни равшан қилади ва юрак фаолиятини кучайтиради. Заъфарон юракни қувватли ва хурсанд қилади.

Заъфарон кўзга тушувчи назлаларни тўхтатади ва кўзга тушган пардага қарши фойда қилади. У балғам кўчишини осонлаштиради ҳамда нафас аъзоларини кучли қилади.

Заъфарон гули таёқчаларидан олинган табиий маҳсулот таркибида бир қатор минераллар – калий, кальций, магний, натрий, темир моддаси, қанд, эфир мойи, фосфор, ранг берувчи кроцин, азотли моддалар ва К, А, РР, В1, В2, В6, В9 витаминлари мавжуд бўлиб, репродуктив саломатлик учун жуда фойдали ҳисобланади.

Давоми 3-бетда.

"САЙҚАЛ"НИ САЙҚАЛЛАЁТГАН ТАДБИРКОР

(Бошланиши 1-бетда).

Тадбиркор давлат ва унинг раҳбари яратган шароитлардан руҳланиб, яна бир хайрли янгиликка қўл урди. Тошдан қоғоз ишлаб чиқарадиган завод қуриб, фойдаланишга жорий этди. 2021 йилда эса Президент Шавкат Мирзиёев унинг очилиш тантанасида иштирок этди.

– Президентимизнинг Фарғонага ташрифидан сўнг корхона қувватини янада кенгайтирдик. Янги ускуналар олиб келдик. Бугун тошдан ишлаб чиқарилган қоғозни Болгария, Россия, Туркияга экспорт қиляпмиз, – дейди тадбиркор. – Шу кунларда ҳам жуда катта миқдордаги маҳсулотларимизни Россия Федерациясига жўнатяпмиз.

Абдураҳмон ака давлат раҳбари билан бўлган учрашувдан сўнг янги-янги ғоя ва топилмалар изидан юриб чарчамади.

– Бу йил тошқоғозни ламинация қилдик, – дейди у. – Энди унга озиқ-овқат неъматларини қадоқласа бўлади, жумладан, музқаймоқ, маргарин, қаймоқ ва бошқа маҳсулотлар солиш ҳамда ўраш мумкин. Бунинг учун таркибимизда яна бир қўшма корхона очдик ва ишга туширдик.

Ўзбекистон деҳқончилиги учун сув захиралари йилдан-йилга озайиб боряпти. Эҳтиёж эса ортмоқда. Давлат раҳбари тежамкорликнинг ҳар қандай кўринишини қўллаяпти. Масалан, томчилатиб суғориш учун субсидиялар берилмоқда. Ички ариқларни бетонлаш оммавий тус олди. Шунда тадбиркор яна бир янгиликни жорий этди: дунё тажрибасида ҳам камёб бўлган ўрама бетон қопламалар ишлаб чиқарди.

– Англия, Россия, Хитой давлатларидан келган вакиллар ўзлари ишлаб чиқарган ўрама бетонни сотиб олишни таклиф қилишди. Лекин улар жуда қиммат эди. 1 квадрат метр ўрама бетонни Англия 21, Россия 16, хитойлик тадбиркорлар эса 14 доллардан таклиф қилишди. "Дунёга Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний каби буюк зотларни берган халқимиз шуни ўзи ишлаб чиқаролмайдими?!", деган фикр менга тинчлик бермади. Узоқ изланишлардан сўнг ўрама бетонни технологик талаблар асосида ишлаб чиқаришга эришдик, – дейди ғурур билан корхона раҳбари. – Бунинг нархи эса арзон, 1 квадрарт метри 44 минг сўмни ташкил этади. Маҳсулотларимизни Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари, Фарғонада эса Сўх туманида қўллашмоқда. Дастлаб у 6 маркали бўлса, ҳозирда 8 маркали бетонлар ишлаб чиқаряпмиз.

Энди тўрт киши бир кунда бир километр ариқни бетонлай олади. Тез, арзон ва сифатли. Бунинг учун ариқ текисланади, унга ўрама бетон ёйиб солинади, уч бор сувлангач, мустаҳкам бетон каби қотади. Бундай бетон ариқ сувни тежаб, исталган пайкалгача етказади.

Шу йилнинг қисқа ойлари ичида биргина Россияга 16,5 минг квадрат метр ўрама бетон экспорт қилинибди. Ўзаро ҳамкорлик ҳали ҳамон давом этяпти.

Қаҳрамонимизнинг ўзига хослиги шундаки, чин маънода, бирон кун ҳам дам олиб ўтиролмайди. Изланади, китоб титкилайди, компьютер орқали дунё технологиялари янгиликларидан воқиф бўлади, янги инновацион ғояларни излайди. Шу кунларда Ўзбекистон сув хўжалиги учун яна бир янгиликни таклиф этди. Бу ўн минглаб километрга чўзилган зовурлардан фойдаланиш сифатини оширувчи ва хизмат ҳақини арзонлаштирувчи ўриш агрегатидир.

– Ариқ-зовурлар экскаваторлар билан кавлаб тозаланганда, қамишларни томири билан юлиб ташланмоқда. У бир кўринишда чиройли манзара беради, аммо бир оз вақт ўтганидан

сўнг зовур ёнларида тупроқ кўчади ва муҳим сув йўлини саёзлаштиради. Бунинг сабаби шундаки, экскаватор томири билан олиб ташлаётган қамиш аслида арматура каби зовур қирғоқларини кўчкидан сақларди. Биз ихтиро қилган қамишдан тозалаш технологияси уни ўради, лекин томирлари жойида қолади, – дейди ихтирочи тадбиркор. – Натижада, тупроқ ўпирилиши рўй бермайди. Биз бу ускунани катта ва кичик экскаваторларга илиб ишлатадиган қилиб яратдик.

Корзинали ўроқ Ёзёвон чўлларида дастлабки синовдан ўтди. Зовур бўйлари қисқа вақт ичида сув йўлини тўсган қамишлардан тозаланди. Тез ва арзон. Аслида бундай ускуна билан ҳудудлараро магистрал йўл четларидаги хашак ва ёввойи ўтларни ҳам ўриб олиш мумкин экан.

Хуллас, "Сайқал"га сайқал бераётган Абдураҳмон Ниёзов гўё ғояларга қайнар булоқ, дейсиз. Янги йил режаларини сир тутган тадбиркор фақат табрик билан чегараланди:

– Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2025 йил билан табриклайман. Бу йил омадлар йили бўлсин. Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашлари бардавом бўлсин!

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ
олган суратлар.

Бошқарув сервис компанияси: АҲОЛИ ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

Фарғона шаҳрининг Университет кўчасида янги қурилган 46-уйнинг 42 та хонадонидан "Emergency service complex" бошқарув сервис компанияси масъулияти чекланган жамиятига сўровнома келиб тушди. "Дом"да яшовчи аҳоли компанияга қўшилиш истагини билдиришган. Бурҳониддин Марғиноний кўчасидаги 119-уйда яшовчи аҳоли ҳам шундай хоҳиш билан мурожаат қилди. Ҳозирда уларни компания таркибига қабул қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий ишлари олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда коммунал хизматлар сифати ва самарадорлиги ошгани, яшаш учун қулай турмуш шароитлари яратилаётгани туфайли аҳолининг бошқарув сервис компанияларига бўлган ишончи ортиб бормоқда. Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги "Кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган бошқарув-сервис компаниялари фаолиятини йўлга қўйиш, уларни фаол қўллаб-қувватлаш, аҳоли хонадонларини бу тизимга жалб этиш, унинг афзалликларини тарғибот қилиш ишлари олиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Маънан эскирган уй-жой мулкдорлари ширкатлари бошқарувидан воз кечилиб, уй-жой фондларини бошқариш ва ундан фойдаланишнинг мутлақо янги тизими асосида хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани ўзини оқлади. Кўп хонадонли турар жойлар жойлашган масканлар обод бўлмоқда, саранжом-саришталиги таъминланяпти, уйларнинг фасади, том қисми, ертўласи, кириш йўлаклари таъмирланиб, туташ ҳудудлар обод ва кўкаламзорга айланиб бораётгани аҳолига мамнунлик бахш этмоқда. Бошқарув сервис компаниялари қошида 24 соат ишлайдиган авария-диспетчерлик хизматлари йўлга қўйилган.

2022 йилда вилоятимиз марказида ташкил этилган "Emergency service complex" бошқарув сервис компанияси масъулияти чекланган жамияти шаҳардаги Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Огаҳий, Университет, Оқ йўл, Мураббийлар, Регистон, Замахшарий кўчаларида жойлашган 87 та кўп қаватли уйларнинг 1900 та хонадонига хизмат кўрсатади. Умумий фойдаланишдаги электр, сантехника, тоза ичимлик ва оқава сув жиҳозларининг соз ҳолатда сақланишини куну тун таъминлаб келмоқда.

– Аҳмад Фарғоний кўчасидаги 106, Огаҳий кўчасидаги 3, 5, Замахшарий кўчасидаги 17-"а" уйларнинг канализация ва тоза ичимлик сув тармоқлари янгиланди, ертўла қисмидаги электр шитлар жорий таъмирланди. Компания ҳисобидан бу каби ишларга 160 миллион сўм маблағ сарфланди. Йил давомида аҳоли хонадонларига 200 миллион сўмликдан ортиқ турли хизматлар кўрсатилди, – дейди бошқарув сервис компанияси раҳбари Олчибек Каримов.

Компания хизмат кўрсатадиган ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бу йил баҳор ва куз мавсумида 270 та манзарали ва 300 тупдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Куз-қиш мавсумида 5 нафар ёлланма ишчилар кўп қаватли уйлар атрофини хазон ва чиқиндилардан тозалаш, супуриб-сидириш юмушлари билан банд. Аҳоли хонадонларида тўпланиб қолган маиший чиқиндиларни шартнома асосида махсус жойларга элтиш, шунингдек, уйларнинг олдини, хонадонларни ораста қилиш хизматларидан кўпчилик фойдаланмақда.

– Бошқарув сервис компаниясининг аҳолига кўрсатаётган хизматларидан мамнунмиз, – дейди Замахшарий кўчасида истиқомат қилувчи Абдумухтор Акбаров. – Қисқа вақт ичида кўп қаватли уйимизнинг тоза ичимлик сув тармоғи бутунлай янгиланди. Кўча ҳамда "дом"ларга кириш йўлаклари атрофига ёритиш чироқлари ўрнатилди. Сифатли бажарилган бундай ободлик ишларини кўриб, бошқалар ҳам компанияга аъзо бўлиш ҳаракатига тушган.

Фаолиятни янада самарали олиб боришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Энг тиғиз масала – мажбурий тўловларни тўлашни орқага сураётган мижозларнинг борлигидир. Компания билан шартнома имзолаган 1900 та хонадондан 310 тасигина мажбурий тўловларни ўз вақтида амалга оширган. Қарздор мижозларга огоҳлантириш хатлари чиқарилган. Унда шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 134-моддасига мувофиқ, мулкдорлар кечиктирилган ҳар бир кунга юридик шахслар учун 0,4 фоиз, жисмоний шахслар учун 0,1 фоиз миқдорида жарима қўлланилиши ҳақида огоҳлантириляпти.

– Йилни муваффақиятли якунлаб, янги йилга катта мақсадлар, режалар билан қадам қўйяпмиз. Ҳозирча ҳудудимизда компания таркибига қўшилмаган 20 дан ортиқ кўп қаватли уйлар бор. Улар таъмирга муҳтож, умумфойдаланадиган тоза ичимлик суви ва канализация тармоғи абгор ҳолатда. Бу уйларда яшовчи аҳолига таклифлар бериляпти, тарғибот ишлари олиб бориляпти. Мақсад ҳудудимиздаги барча кўп қаватли турар жойларни қамраб олиш ва уларга сифатли коммунал хизматлар кўрсатишдир, – дейди бошқарув сервис компанияси раҳбари.

Кўп қаватли уйлар қурилиши жадал суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги шароитда дунё тажрибасидан келиб чиқиб, соҳага профессионал бошқарув сервис компаниялари кириб келди. Уларнинг хизматига ҳар бир хонадонда зарурият мавжуд. Сифатли коммунал хизматлардан фойдаланишни истаган аҳоли бошқарув сервис компаниялари таркибига қўшилиб, ўзлари учун қулай ва шинам яшаш шароитларини яратиб олмоқда.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

Марғилон шаҳрида барпо этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивида қурилиш ишлари жадал давом этяпти. Бу ердаги 75 гектар майдонда 6 минг хонадонли 10 та 12 ва 16 қаватли уйлар қурилмоқда. Шунингдек, савдо мажмуалари, 10 та ижтимоий соҳа объектини барпо этиш ҳам кўзда тутилган.

"ЯНГИ МАРҒИЛОН" ҚАД РОСТЛАЯПТИ

– Қурилиш ишларини туну кун инспекциямиз назорат қилиб бормоқда. Биз қўйилаётган бетонларнинг маркасини аниқлаб, арматураларни лабораторияда синовдан ўтказиб, мувофиқлик сертификати бўлган қурилиш материалларини қурилиш майдончасига киритяпмиз, – дейди Қурилиш назорат инспекцияси инспектори Умиджон Узоқов. – Бу турар жойлар мамлакатимиздаги энг сифатли ва узоқ йиллар халқимизга хизмат қиладиган уйлар бўлади.

Массивнинг бош режасига кўра, бу ердаги ҳар бир иншоот замонавий архитектура талаблари асосида қурилади. Аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, яшил маконлар, манзарали дарахтлар экилган хиёбонлар барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан биргаликда, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва қурилиш ишларининг сифати муҳим мезондир.

– Мен Россиянинг Сахалин шаҳриданман. Ўзбекистонда инвестиция киритиш учун қулай шароит яратилган, – дейди "MANERON" компанияси директори Виктор Фелюгин. – Фарғонадаги Эко шаҳарда 12 қаватли уй қуриб, фойдаланишга топширдик. "Янги Ўзбекистон" массивининг Янги Марғилонида 16 қаватли уй қурмоқдамиз. Келаси йил эса 3 та 12 қаватли ва 3 та 16 қаватли уйни қуриш ниятим бор.

Катта йўл ёқасидаги уйлар бирин-кетин қад ростлаяпти. Харидорлар ҳам тез-тез келиб туришибди.

– "Beshbola buildings" қурилиш ташкилоти томонидан 16 қаватли уй қурилиши давом этмоқда. Ҳозир 5-қаватда ишлар олиб бориляпти, – дейди компания менежери Зуҳра Умарова. – Уй-жойга аҳолининг қизиқиши катта. Оилалар келиб лойиҳа ва қурилиш жараёни билан танишмоқда. Ҳозиргача 10 га яқин оила билан уй сотиб олиш ҳақида шартномалар тузилди.

Эътиборлиси, биноларнинг пойдеворлари мустаҳкамлик синовидан юқори баҳо олиб ўтди. Қурувчи сидқидилдан ишлаяпти.

– 12 қаватли уйда 70 та хонадон бор. 16 қаватлигида эса 96 та бўлади, – дейди "Жорий қурилиш сервис" МЧЖ раҳбари Азимжон Йўлдошев. –Замонавий, иссиқ, қулай шароитларга эга уйлар бу. Ҳозир 6-қаватда қурилиш- монтаж ишлари олиб бориляпти. Уй битгач, фирмамиз номидан Марғилондаги уйи йўқ, кам таъминланган ва ногиронлиги бўлган оилаларга иккита хонадонни бепул беришга қарор қилганмиз.

Азимжоннинг бу ташаббусини бошқа қурувчилар ҳам қўллаб-қувватламоқчи. Ҳа, Янги Марғилон уйлари эзгу ниятли қурувчилар томонидан бунёд этилмоқда.

Ўз мухбиримиз.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Видеони томоша қилиш учун смартфонингизни **QR коди**га йўналтиринг

Ер ва мулкка нисбатан ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ:

Идорама-идора югуриб юрмайсиз

Аҳолини энг қийнаб келаётган масалалардан бири – турар жойлар, мол-мулкни ҳужжатлаштириш билан боғлиқ муаммолар эди.

Маълумотларга қараганда, ҳозирда шундай ҳуқуқий ҳужжатлари йўқ ёки тўлиқ бўлмаган 3 миллион 600 мингдан ортиқ ер участкалари мавжуд. Фарғона шаҳри адлия бўлими масъул ходимлари ва мутахассислари маҳалла фуқаролар йиғинларида доимий равишда ўтказиб келаётган сайёр қабулларда айнан энг кўп мурожаат ер ва мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлмоқда.

Жорий йил 5 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида"ги Қонуни бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқмоқда. Шунга кўра, ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар эътироф этилиб, эгалик ҳуқуқи берилади. Бу ҳам Янги Ўзбекистонда инсон шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият сифатида улуғланаётганини кенг намоён этади.

Эндиликда аҳоли ёки тадбиркорлар ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқини расмийлаштириш учун идорама-идора югуриб юрмайди. Ҳуқуқларни эътироф этиш ҳудудлар бўйича босқичма-босқич амалга оширилади. Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумотларни ва ҳужжатларни келишиш Кадастр агентлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади. Бу тизимга 15 та ваколатли ташкилот ҳам тегишли маълумотларини киритади.

Тўпланган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва қонунийлиги адлия органлари томонидан текшириб чиқилади. Уларнинг натижалари маҳалла бурчаклари, Кадастр агентлигининг сайти орқали жамоатчиликка эълон қилинади. Ижобий хулоса қабул қилинган фуқароларга СМС-хабарнома юборилади. Ушбу хабарнома асосида бир марталик тўловни амалга оширганларга ҳар чоракда халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарори билан ҳуқуқлар эътироф этилади.

Ер участкасига ҳамда унда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш чоғида давлат ва жамоатчилик назорати йўлга қўйилади. Хусусан, прокуратура, ички ишлар, агроинспекция, экология, кадастр органлари Қонунни амалга оширишда давлат назоратини ўрнатади.

Айни пайтда кўпчилик бу ҳуқуқ эътироф этилишининг асосий шартлари билан ҳам қизиқмоқда. Бунинг учун ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаси бошқа шахсга ажратилмаган ёки аукционга чиқарилмаган бўлиши, ер участкасидан фойдаланишда низо мавжуд эмаслиги, ер ва мол-мулк солиғи бўйича қарздорлик бўлмаслиги, муҳофаза этиладиган ҳудудларда жойлашмаган бўлиши, ҳар бир категорияга хос бошқа шартлар (инвестиция мажбурияти бажарилганлиги, ширкат аъзоси ҳисобланиши ва бошқалар) каби мезонларга тўғри келиши керак.

Қонунда ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасига ҳуқуқларни эътироф этиш тартиб ва жараёнлари, маълумот ва зарур ҳужжатларни автоматлаштирилган ахборот тизимига киритиш босқичлари, қонуннинг амал қилиш муддати ҳам белгилаб қўйилган. Буларнинг барчаси инсон қадри эъзозланаётган мамлакатимизда давлат ўз халқига кўрсатаётган ғамхўрликларнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

Муроджон ҚОДИРАЛИЕВ,
Фарғона шаҳар адлия бўлими бошлиғи,
3-даражали адлия маслаҳатчиси.

"Нурсух" каналининг янги қиёфаси

Сўх дарёсидан оби-ҳаёт оладиган "Нурсух" бетон канали Ўзбекистон тумани қишлоқ хўжалик майдонлари ва аҳоли томорқа ерларини суғоришда муҳим ўрин тутади.

10 минг 500 гектар майдонни сув билан бир маромда таъминлаш имконини беради

1959 йилда бунёд этилган мазкур каналнинг узунлиги 18 километрни, сув ўтказиш қуввати 18 метр куб секундни ташкил этади. Канал сувидан суғориладиган 10 минг 500 гектар майдонларда ҳар йили мўл-кўл ҳосил етиштирилади.

Канал ишга туширилгандан бери реконструкция қилинмаган эди. Бугун унинг бетон қисмлари кўчиб, яроқсиз ҳолга келиб қолди. Тагини тош-шағал босиб, қирғоқларида емирилишлар пайдо бўлган. Бу эса кўп миқдорда сув йўқотилишига олиб келиб, каналдан сув ичадиган фермер хўжаликлари экин ерлари ва аҳоли томорқаларини суғоришда муаммолар юзага келган, табиийки, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 7 ноябрь куни қишлоқ хўжалигида сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз томонидан ирригация тармоқларини реконструкция қилиш, хусусан, каналларни бетонлаш орқали сув йўқотишларнинг олдини олиш бўйича аниқ ва муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Давлат дастури доирасида каналнинг 13 километрлик қисмини реконструкция қилиш зарурати пайдо бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 13 миллиард сўмга баҳоланаётган бу лойиҳа ишлари муваффақиятли якунланса, каналнинг фойдали иш коэффициенти 90 фоизга ошади. Кўп миқдорда сув тежалади. Сув таъминоти эса ҳозиргига нисбатан бир неча баробарга яхшиланади.

Ўз мухбиримиз.

Заъфарон мўъжизалари

(Бошланиши 1-бетда).

Заъфарон хомашёсининг сифати асосан уч хил кимёвий бирикма – кроцин (ранг), пикрокроцин (таъм) ва сафранал (ҳид-аромат) миқдори билан аниқланади.

Шифобахш ўсимлик қон таркибини тозалайди (янги қон ҳужайралари ҳосил бўлишини кучайтиради, юрак-қон томир тизими фаолиятини мустаҳкамлайди, организмнинг барча ҳужайраларини озиқлантиради) унинг организмда айланишини нормаллаштиради.

Шунингдек, мия фаолияти фаоллигини яхшилайди (бош мия тўқималарини ўстиради, хотирани мустаҳкамлайди);

– невроздан форғ қилади;

– бош оғриғи (мигрень) ва уйқусизликдан халос этади;

– ошқозон-ичак фаолиятини меъёрга келтиради;

– ортиқча ўт суюқлиги ажралишидан халос этади;

– буйрак ва қовуқни даволайди (асал аралаштирилган заъфарон буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалайди);

– антиоксидант таъсирга эга (энергетик модда алмашинувини яхшилайди, зарарли моддаларни организмдан чиқариб юборади);

– моддалар алмашинувини яхшилайди;

– организмни қувватлайди;

– кўриш қобилиятини тиклайди, кўз тўр пардасидаги иллатларни даволайди;

–терининг куйган ва шиш пайдо бўлиш ҳолатларида уларни даволайди;

– бутун организмни ёшартиради;

– организмдаги радиация даражасини пасайтиради;

– онкологик касалликларни даволашда (ҳатто касалликнинг охирги босқичида саратон ўсимталарига қаршилик кўрсатади ва уларнинг ҳужайралари синишини тўхтатади).

ЗАЪФАРОНДАН ШИФОБАХШ ДАМЛАМА ТАЙЁРЛАШ УСУЛЛАРИ:

3-4 дона заъфарон толасини идишга солиб, устидан илиқ сув қуйинг ва 10 дақиқага қолдиринг (бу жуда муҳим).

Устидан қайноқ сув қуйинг (мазали бўлиши учун асал қўшишингиз мумкин). Ажойиб таъм ва ифорга эга шифобахш дамлама тайёр бўлгач, кун давомида оз-оздан ҳўплаб ичилади.

Иссиқ сут билан ичилган заъфарон бош мия тўқималарининг ўсишига ёрдам беради, хотирани кучайтиради, кўриш қобилиятини тиклайди.

Заъфаронни асал билан бирга қўшиб ичилса, буйрақдаги ва пешоб халтасидаги тошни нуратади.

ЗАЪФАРОННИ ҚЎЛЛАБ БЎЛМАЙДИГАН ҲОЛАТЛАР

Агар заъфарон меъёрдан ортиқ истеъмол қилинса, бош оғриғи пайдо қилади, уйқуни келтиради, сезиш хусусиятини сусайтиради ёки кўнгилни айнитади. Шунингдек:

– қайнатмаси қон босимини туширади;

– катта дозаси бачадонни қўзғатади ёки кичик дозаси бачадонни қисқартиради;

– иссиқ мижозли инсонлар кўп ишлатса, бош оғирлашади.

Унутманг! Бир вақтнинг ўзида 2 грамм ёки ундан кўп миқдорда заъфарон қабул қилиш бутунлай соғлом одамда ҳам заҳарланишга олиб келиши мумкин.

Заъфаронни ҳаво ўтказмайдиган идишда, намлик ва ёруғликсиз икки йилдан кўп бўлмаган муддатда сақлаш мумкин. Шу муддатдан кейин у ранги ва ҳидини йўқота бошлайди.

Заъфаронни сохталаштириш ва унга ўхшаш ўсимликларни заъфарон деб алдаб сотиш ҳолатлари учраши сабабли, уни фақат ишончли ишлаб чиқарувчилардан харид қилиш керак.

ШИФОБАХШ ЗАЪФАРОННИ ҚАЕРДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

BMB Za'faron саломатлик маркази – call-markaz. Телефон: +99855 516-22-99.

BMB Za'faron Sello Market – https://sello.uz/sellers/ooo-bmb-impex

Uzum Market – https://uzum.uz/ru/httpsbmbtguzzafaron

Хизматлар лицензияланган.
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

Мажбурий ижро:

6 нафар оталар МАЪМУРИЙ ҚАМОҚ БИЛАН жазоланди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Олтиариқ туман бўлими вояга етмаган фарзандлари учун алимент пулларини қасддан тўламасдан келаётган 11 нафар қарздорларга нисбатан тўпланган ҳужжатларни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман судига тақдим этди.

Суд жараёнида оталик масъулиятсизлигидан уялган Ю.Н. ундирувчи О.С. фойдасига 13 миллион 149 минг сўм, О.А. ундирувчи О.И. фойдасига 12 миллион 088 минг сўм, О.Р. ундирувчи О.Ш. фойдасига 9 миллион 200 минг сўм, О.Ғ. ундирувчи О.Н. фойдасига 3 миллион 246 минг сўм алимент қарздорликни тўлаб берди.

Аммо, фуқаролар Б.Д. ундирувчи Б.Ш. фойдасига 13 миллион 761 минг сўм, Х.Д. ундирувчи Х.З. фойдасига 4 миллион 400 минг сўм, Р.М. ундирувчи М.Г. фойдасига 15 миллион 600 минг сўм, Ш.Н. ундирувчи Ш.З. фойдасига 6 миллион 500 минг сўм, А.А. ундирувчи А.Ш. фойдасига 12 миллион сўм қарздорликни тўлашдан бўйин товлаганлиги учун уларга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди.

Икки нафар отага эса қарздорликни тўлиқ бартараф этиш учун муддат берилди.

А.ҒИЁСОВ,
Мажбурий ижро бюроси Олтиариқ туман бўлими бошлиғи.

Футбол

Ўзбекистон чемпиони "НЕФТЧИ"да тўп суради

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланган бўлса-да, клублар фаолияти тўхтаб қолгани йўқ. Қайтанга, қизғин паллага кирди. Бу – бевосита янги мавсумга тайёргарлик ва таркибни кучайтириш билан боғлиқ. Шу жумладан, Фарғонанинг "Нефтчи" клуби ҳам бир қатор трансферларни амалга оширди.

Каршининг "Насаф" жамоасида тўп суриб, Ўзбекистон чемпиони бўлган сербиялик тажрибали ҳужумчи Зора Марушич келгуси йилда "Нефтчи" шарафини ҳимоя қиладиган бўлди.

– Бу йил қаршиликлар ўз тарихида илк маротаба чемпион бўлдилар. "Насаф" бунга муносиб эди. Бу улкан ютуққа мен ҳам ҳисса қўшганимдан хурсандман, – дейди у. – Жамоа сафида 26 бор майдонга тушиб, 13 та гол киритдим. Клубда муҳит яхши, футболчилар билан анча кўникишиб қолгандим. Тўғриси, "Насаф"да қолмоқчи ҳам эдим, лекин "Нефтчи" менга катта қизиқиш билдирди ва фаолиятимда янги қадам ташлашга қарор қилдим.

Зора Марушичнинг айтишича, у келгуси йилда "Нефтчи" билан чемпионликни қўлга киритишга ҳаракат қилади. Шунингдек, мақсади – энг яхши ҳужумчи бўлиш.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

MUQIMIY NOMIDAGI QO'QON DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI QUYIDAGI VAKANT LAVOZIMLARGA TANLOV E'LON QILADI

Kafedra professori lavozimiga:
1. Rus tili va adabiyoti nazariyasi – 1 nafar.
2. Informatika kafedrasi – 1 nafar.
3. Biologiya kafedrasi – 1 nafar.

Kafedra dotsenti lavozimiga:
1. Tarix kafedrasi – 1 nafar.
2. Biologiya kafedrasi – 1 nafar.
3. Kimyo kafedrasi – 1 nafar.
4. Boshlang'ich ta'lim nazariyasi – 1 nafar.
5. Informatika kafedrasi – 1 nafar.
6. Xorijiy tillar metodikasi kafedrasi – 1 nafar.
7. Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda ingliz tili kafedrasi – 1 nafar.

Kafedra katta o'qituvchisi lavozimiga:
1. Boshlang'ich ta'lim nazariyasi kafedrasi – 1 nafar.

Kafedra assistent o'qituvchisi lavozimiga:
1. O'zbek tili kafedrasi – 1 nafar.

Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab 1 oy.

Murojaat uchun manzil: Qo'qon shahar, Turon ko'chasi, 23-uy, 1-o'quv binosi, 216-xona. **Telefon: 91 143-29-81.**

Kengash kotibi: O.Abdullayev.

22 декабрь – Энергетиклар куни

Электр энергияси етказиб бериш – МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФАМИЗ

Вилоятимиз энергетиклари зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни ҳамиша чуқур ҳис этиб, корхона, ташкилот ва муассасалар, аҳоли хонадонларини барқарор электр энергияси билан таъминлаш учун туну кун самарали меҳнат қилмоқдалар.

Аҳоли сонининг ошиб бориши, турмуш даражасининг юксалиши, кўплаб йирик саноат корхоналари, ўрта ва кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлик фаолиятининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётгани туфайли маҳсулотнинг алоҳида ва муҳим тури, дея таърифланадиган электр энергиясига бўлган эҳтиёж ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Бундай ўсиб бораётган талабни қондириш учун Ўзбекистон энерготизимларида модернизация жараёнлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Вилоятимиз бўйлаб 5 та 220 кВли – "Фарғона", "Сокин", "Повулғон", "Ўзгариш", "Обиҳаёт" подстанцияларидан чиқувчи 45 та 110 кВли электр тармоқлар орқали жами 926 027 та истеъмолчиларга электр энергияси етказиб берилмоқда. Шундан 867 689 аҳоли хонадонлари ва 58 338 та улгуржи истеъмолчилардир.

"Фарғона ҳудудий электр тармоқлари" акционерлик жамияти тасарруфида 174 та 35-110 кВли подстанциялар, 10 208 та 6-10/0,4 кВли трансформатор пунктлари ва 28 369 километр 0,4-110 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари мавжуд. Уларнинг соз ва беталафот ишлаши энергетикларнинг самарали ҳамда заҳматли меҳнатига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Жорий йилда вилоятимизга Хитой Халқ Республикасининг TBEA компаниясидан 208 миллиард сўмлик 8 та 40 000 ва 1 та 63 000 кВа трансформаторлар олиб келиб ўрнатилди ва ишга туширилди. Ечиб олинган куч трансформаторларни бошқа подстанцияларга кўчириб ўтказиш ҳисобига қўшимча 20 та подстанцияда 326 минг кВа қувват захираси яратилди ҳамда 430 километр электр тармоғи ва 240 та трансформатор пункти янгиланди.

2024 йил давомида 2504 километр электр узатиш тармоқлари, 908 та трансформатор пункти, юқори кучланишли 3 та ва 31 та 110-35 кВли мойли ўчиргичлар мукаммал таъмирланди. Шунингдек, 6 566 километр электр тармоғи ва 2357 та трансформатор пунктлари, 258 та 35-110 кВли куч трансформаторлар, 184 та 35-110 кВли мойли ўчиргичлар жорий таъмирдан чиқарилди.

Амалга оширилган бу ишлар натижасида вилоятимизнинг 120 мингдан ортиқ аҳолиси ва тадбиркорларнинг электр таъминоти яхшиланди. Шу билан бирга, қўшимча янги лойиҳаларни ишга туширишга замин яратилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга 6645,2 миллион кВт. соат электр энергияси етказиб берилди. Айни пайтда шу муддатда 829,4 миллион кВт. соат электр энергиясини иқтисод қилишга эришилди.

Вилоятимизда қайта тикланувчи электр манбаларидан фойдаланишга бўлган эътибор кучайиб бормоқда. Буни ўтган давр мобайнида вилоят бўйича қуввати 93,4 МВт бўлган қуёш панеллари ўрнатилгани ҳам кўрсатиб турибди. Бунинг натижасида ҳозиргача ўрнатилган қуёш панеллари орқали вилоятнинг электр энергиясига бўлган кунлик талабининг 1,8 фоиз қисми қопланишига эришилмоқда.

Қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида 36 та махсус техника, 66 та автомашина, 746 нафар ходимдан иборат 185 та бригада шай ҳолатда фаолият олиб бормоқда. Аварияларни бартараф этиш учун 155 та ТП, 49,3 тонна трансформатор мойи, 33 километр узунликдаги кабель тармоғи, 6,1 тонна очиқ симлар ҳамда 17 500 та бошқа материаллар захираси яратилган.

Тошкент шаҳридаги Халқаро конгресс марказида Президентимиз иштирокида энергетика соҳасида янги қувватларни ишга туширишва навбатдаги лойиҳалар қурилишига старт бериш маросимида вилоятимизнинг Ўзбекистон туманида Марказий Осиёда ягона бўлган электр энергиясини сақлаш тизими ишга туширилди. 300 мегаватли мазкур энергия сақлаш тизими Хитой компаниясининг 144 миллион АҚШ долларилик тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига барпо этилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан Бешариқ туманида 500 мегаватли қуёш фотоэлектр станцияси қурилишига старт берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисидаги қарорига мувофиқ, 2030 йилгача бўлган даврда ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилмоқда. Бу ишларнинг барчаси мамлакатимиз аҳолисига ва улгуржи истеъмолчиларга узлуксиз электр энергияси етказиб беришни таъминлаш мақсадида амалга оширилмоқда.

Ҳар йили 22 декабрда мамлакатимиз энергетиклари ўзларининг касб байрамларини нишонлайдилар. Фурсатдан фойдаланиб, вилоятимизнинг барча энергетика тизими ходимларини, уларнинг оила аъзоларини байрам билан самимий табриклаб, уларнинг халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз равнақи йўлидаги олижаноб ва фидокорона меҳнатлари учун ташаккур билдираман. Фаолиятларида омад доимо ёр бўлсин!

Азизбек САЙДАЛИЕВ,
"Фарғона ҳудудий электр тармоқлари" акционерлик жамияти раҳбари.

ФАРҒОНАЛИК ЭНЕРГЕТИКЛАР ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАМОҚДА

Электр энергияси ишлаб чиқариш катта меҳнат талаб этиши ҳаммага аён. Бунинг ортида энергетикларнинг туну кун заҳматли меҳнати, ускуна ва жиҳозларнинг узлуксиз ишлаши ва уларнинг ўз вақтида назорат қилишдек масъулият мужассам.

"Фарғона иссиқлик электр маркази" саноат корхоналари ҳамда аҳолига бир маромда иссиқлик ҳамда 4 та 110 кВ тизимли ҳаво линиялари орқали электр энергиясини етказиб бермоқда. Корхона 329 МВт/соат электр энергияси ва 1449 Гкал/соат иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга.

Корхона 2024 йилни барча соҳаларда муваффақиятли якунламоқда. Йилнинг январь- ноябрь ойлари давомида белгиланган 317 миллион кVt. соат ўрнига 335миллион kVt. соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, режа 106 фоизга бажарилди. Шунингдек, 719 минг Гкал, ўрнига 819 минг Гкал. иссиқлик энергияси узатилди.

Марказда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда ёқилғини тежашга катта аҳамият берилмоқда. Йилнинг ўтган даврида 11,9 миллион кубметр ўрнига 14,8 миллион кубметр табиий газ иқтисод қилинди, режа 124,1 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, марказда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, ўз эҳтиёжимизни муқобил энергия манбалари ҳисобидан қоплаш мақсадида айни пайтда 3,1 МВт қувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станцияси ишлаб турибди.

2025 йилда ҳам "Фарғона иссиқлик электр маркази" жамоаси энергетика тармоғи фаолиятига муносиб ҳисса қўшиш, соҳани ривожлантириш, соғлом ва беталафот иш муҳитини яратиш, халқимизнинг фаровон ҳаёти ҳамда мамлакатимиз тараққиёти йўлида хизмат қилиш эзгу мақсадимиздир.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati

Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Марғилон шаҳар, Туркистон кўчаси, 236 -"б" уй. Буюртма: 765.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Алишер Розиқов.

Газета жума куни чиқади. Адади: 1552 нусха. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.

Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 16.00.

ISSN: 2010-8370